

## ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯДА ФУҚАРОЛАР РЕСПУБЛИКА ҲУДУДИ БЎЙЛАБ ЭРКИН ҲАРАКАТЛАНИШ, ТУРАР ВА ЯШАШ ЖОЙИНИ ЭРКИН ТАНЛАШ ХУҚУҚИНИНГ ТАНЛАШ ХУҚУҚИНИНГ МУСТАҲКАМЛАНГАНИ

Муҳаммадиева Моҳинур Яхшибаевна

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Жиноят-  
хуқуқий фанлар кафедраси доценти

**Аннотация:** мақолада Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар натижадорлигини ошириш қўп жиҳатдан янгиланишларнинг конститутциявий асосларини мустаҳкамлаш, жамият ва давлат бошқаруви соҳасида фаолиятни тубдан таомиллаштириш масалалари байон этилган.

**Калит сўз ва иборалар:** Yangi Konstitutsiya, Konstitutsiyada nazarda tutilgan фуқаролар муносиб турмуш тарзини яхшилашга қаратилган стратегик ёндашувлар, концептуал масалалар.

Фуқароларнинг давлат ҳудудида эркин ҳаракатланиш, тураг ва яшаш жойини эркин танлаш хуқуқи асосий шахсий хуқуқлар тоифасига киради. Мазкур қоида Конституциянинг 28-моддасида белгиланган. Унга кўра “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний асосларда бўлиб турган ҳар бир шахс республика ҳудуди бўйлаб эркин ҳаракатланиш, тураг ва яшаш жойини эркин танлаш хуқуқига эга, қонунда белгиланган чекловлар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2022 йил 20 июнь куни Конституциявий комиссия аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда “...ҳар бир Ўзбекистон фуқароси мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, тураг ёки яшаш жойини эркин танлаш хуқуқига эга бўлиши шарт. Ҳар бир фуқарога мамлакатдан тўсиқларсиз чиқиш ва қайтиш хуқуқи кафолатланиши лозим”, деб мазкур хуқуқларни конституциявий даражада белгилаш лозимлиги ҳақида таъкидлаб ўтди.

Шунингдек мазкур янгилик 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси кўзда тутилган “Фуқароларни яшаш жойи бўйича ҳисобга олиш” тизимини янада соддалаштириш вазифасини хал этишга хуқуқий замин бўлиб хизмат қиласди.

“Эркин ҳаракатланиш” – инсоннинг ажралмас хуқуқидир. Инсон хуқуқлари орасидаги муҳими ҳисобланган шахснинг эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини эркин танлаш хуқуқи Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси (13-модда), Фуқаровий ва сиёсий хуқуқлар тўғрисида халқаро пакт (12-модда), Хотин-қизлар хуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (15.3-модда)да белгилангандир.

Юқоридаги халқаро ҳуқуқий мажбуриятлардан келиб чиқиб амалдаги Конституциянинг 28 моддаси “Ҳар ким республикадан ташқарига эркин чиқиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистонга монеликсиз қайтиш ҳуқуқига эга” деган иккинчи қисм билан тўлдирилмоқда.

Ушбу янги нормалар билан конституция даражасида қўйидаги ҳуқуқлар кафолатланмоқда: биринчидан, Ўзбекистон ҳудудида қонуний асосларда бўлиб турган ҳар бир шахснинг эркин ҳаракатланиш, тураг ва яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқи; иккинчидан, ҳар бир шахснинг республика ҳудудидан ташқарига эркин чиқиш ҳуқуқи; учинчидан, Ўзбекистон фуқароларининг Ўзбекистонга қайтиш ҳуқуқи.

Киритилаетган янгилик фуқароларимизнинг ҳамда Ўзбекистон ҳудудидаги ҳар бир шахснинг мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, тураг ёки яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқларини таъминланишини ва кафолатларини кучайтиради.

Мазкур нормага ўхшаш нормалар Германия, Франция, Италия, Жанубий Корея, Польша, Туркия, Грузия каби давлатлар конституцияларида мавжуд.